

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ХИДОЯТОВА МУХЛИСА РАХМАТИЛЛАЕВНА

**МЕТАБОЛИК СИНДРОМДА МИОКАРД ШИКАСТЛАНИШИНИНГ
ЭРТА ТАШХИСЛАШНИНГ КЛИНИК-ИНСТРУМЕНТАЛ ВА
БИОХИМИК МЕЗОНЛАРИ**

14.00.25 – Клиник-лаборатор ва функционал диагностика

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хидоятова Мухлиса Рахматиллаевна

Метаболик синдромда миокард шикастланишининг эрта ташхислашнинг
клиник-инструментал ва биохимик мезонлари..... 3

Хидоятова Мухлиса Рахматиллаевна

Клинико-инструментальные и биохимические критерии ранней
диагностики поражения миокарда при метаболическом
синдроме..... 23

Khidoyatova Mukhlisa Rakhmatillaevna

Clinical, instrumental and biochemical criteria for early diagnosis of
myocardial damage in metabolic syndrome..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ХИДОЯТОВА МУХЛИСА РАХМАТИЛЛАЕВНА

**МЕТАБОЛИК СИНДРОМДА МИОКАРД ШИКАСТЛАНИШИНИНГ
ЭРТА ТАШХИСЛАШНИНГ КЛИНИК-ИНСТРУМЕНТАЛ ВА
БИОХИМИК МЕЗОНЛАРИ**

14.00.25 – Клиник-лаборатор ва функционал диагностика

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib980 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tma.uz.) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Арипов Абдумалик Нигматович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Хайбуллина Зарина Руслановна тиббиёт фанлари доктори, Халимбетов Гуломжан Султанбаевич тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Тошкент Педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99871) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино “Б” корпуси, 1-қават. Тел./факс: (99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

О.В. Аблязов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш ҳузуридаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Метаболик синдром (МС) ва юрак-қон томир касалликларини (ЮҚТК) юқори хавфини ўзаро боғлиқлиги кўп йиллар давомида кузатилмоқда. МСнинг ҳар бир таркибий қисмлари ўзаро боғлиқ бўлиб, улар биргаликда ЮҚТКнинг янада жиддий оқибатларини пайдо бўлишига олиб келади. Ушбу касалликнинг катта ижтимоий аҳамияти шундаки, у қатор асоратлари туфайли эрта ногиронликка олиб келиб, ўлим хавфини 2 маротаба оширади. Дунёнинг кўп давлатлари юқумли касалликларни устидан муваффақият қозонгани билан ушбу янги юқумли бўлмаган касаллик дунё мамлакатларида соғлиққа катта хавф туғдирмоқда ва фавқулодда глобал муаммога айланиб «...соғлиқни сақлашга йирик харажатлар ва потенциал иқтисодий фаолиятда триллионларни ташкил этувчи йўқотишларга олиб келмоқда...»¹. Шу сабабли, МСда юрак-қон томир тизимидаги ўзгаришларни эрта ташхислаш, даволаш ва асоратларни олдини олиш тиббиётда энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида юрак-қон томир хавфининг асосий белгиларини эрта аниқлаш ва коррекциялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аксарият тадқиқотчилар фикрига кўра, юрак касалликларини хавфини аниқлайдиган МСнинг асосий таркибий қисмлари бу инсулинга резистентлик (ИР) ва абдоминал семизликдир (АС). Шундай қилиб, ИР тушунчасига асосланган МС ушбу профилактик йўналиш билан чамбарчас боғлиқ. Бир қатор мутахассисларни фикрича, «...ИР атеросклерознинг ривожланишини дастлабки ва кеч босқичларида, гипергликемия эса дастлабки босқичларида муҳим рол ўйнайди...»². Бундан ташқари, ИР инсулиннинг қон томир деворига таъсирини қуйидагича ўзгартиради: инсулинга сезгир бўлган ҳолатда антиатероген ва инсулинга резистентлик ҳолатда проатероген. Афсуски, «...ушбу проатероген механизмлар одамларда ЮҚТК ривожланишига қандай таъсир кўрсатиши аниқ эмас...»³. Юракдаги ўзгаришларнинг ривожланишини эрта босқичларида чап қоринча диастолик дисфункциясини аниқлаш энг аҳамиятли ҳисобланади ва ушбу ўзгаришларга МСнинг таркибий қисмларини таъсирини ўрганиш ва эрта ташхислаш усулларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда юқумли бўлмаган касалликлар ҳамда уларнинг хавф омилларининг олдини олиш, даволаш ва назорат қилиш, аҳолининг барвақт ўлим ҳамда касалланишини камайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-

¹ Mohammad G. Saklayen. The Global Epidemic of the Metabolic Syndrome // Curr Hypertens Rep. - 2018. – Vol.20, №2. – P.12.

² Yu Q, Gao F, Ma XL. Insulin says NO to cardiovascular disease // Cardiovasc Res. - 2011. – 89. – pp. 516–524.

³ Ormazabal V et al. Association between insulin resistance and the development of cardiovascular disease // Cardiovasc Diabetol. – 2018. - 17:122. <https://doi.org/10.1186/s12933-018-0762-4>

сон Фармониға мувофиқ «...соғлом турмуш тарзини шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг хавф омилларига қарши курашиш ҳамда олдини олиш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш...» каби асосий йўналишлар белгиланган⁴. Ушбу вазифаларни ижросини таъминлаш, хусусан, сифатли ва замонавий ташхис қўйиш усулларидан фойдаланиш аҳоли орасида МСни ва унга боғлиқ бўлган юрак-қон томир тизимидаги ўзгаришларни эрта ташхислаш ва вақтида бартараф қилиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон "Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонининг ўрганилганлик даражаси. Бир нечта проспектив тадқиқотлар (Hedblad B, 2002; Ausk K.J., 2010; Kim H.J., 2013), баъзиларидан ташқари (de Boer I.H., 2012; Welsh P, 2014; Kim K.S., 2015) юрак-қон томир ёки умуман ўлим хавфи юқори бўлиши гиперинсулинемия ёки НОМА-IR билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатди. DECODE Insulin Study Group (2004) нинг мета-таҳлилида, қандли диабет касаллиги бўлган одамларда ЮҚТК сабабли ўлимнинг ошиши гиперинсулинемия билан бевосита боғлиқлиги аниқланган. 65 та тадқиқотларни ўз ичига олган (516,325 иштирокчини қамраб олган) мета-таҳлил (Gast K.V., 2012) натижалари юрак ишемик касалликлари (ЮИК)нинг нисбий хавфи глюкоза ва инсулин ошишига нисбатан НОМА-IR билан кўпроқ боғлиқлигини кўрсатди.

МС таркибий қисмларининг ЮҚТКни ривожланишига таъсири бўйича кўплаб тадқиқотлар ўтказилганлигига қарамай, юракнинг функционал ўзгаришларини эрта ташхислаш тўғрисидаги маълумотлар етарли эмас. (Rijzewijk LJ, 2008; Постоева А.В., 2014; Мустафаева А.Г., 2017). Дори воситаларини қўлланиши МСнинг асосий таркибий қисмларига ҳам, юракка ҳам таъсир қилиш масалалари доимий равишда ўрганилмоқда (C.L.Chan, 2010; G.Mancia, 2012; E.Standl, 2012). Умумий тиббий амалиётда ўз вақтида ташхис қўйиш, кенг қамровли даволаш ва МСда ЮИКни профилактика қилишни тавсия этиш лозим. Ушбу чора-тадбирларнинг муваффақияти учун

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сонли "Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

МСда юрак шикастланишини эрта ташхислаш усуллари ва ўз вақтида танланган даволашни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга (Т.Шехедет, 2010; Э.Э. Гогин, 2012; О.А. Кошелская, 2015).

Ўзбекистонда МС муаммолари билан етакчи мутахассислар шуғулланмоқдалар: У.К.Қаюмов, А.Л.Аляви, Р.Д.Қурбонов, Ф.И.Хамрабаева, Г.М.Тулабоева, М.А.Хўжамбердиев ва бошқалар. Сўнгги йилларда ЮҚТКни даволаш ва олдини олиш борасида маълум ютуқларга эришилди, аммо ЮҚТКдан ўлим кўрсаткичи сезиларли даражада пасаймади. Бунинг сабабларидан бири МС таркибий қисмларининг таъсири ва юқори юрак-қон томир хавфи, хусусан, эрта босқичларда ташхис қўйишнинг объектив қийинчиликларини мавжудлигидир (У.К.Қаюмов, 2019; Р.Г.Оганов, 2009; И.Н.Бокарев, 2014; И.Э.; И.Е.Чазова, 2009). Ўтказилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, МСда юрак қон томир тизимини (ЮҚТТ) эртаўзгаришларини патогенези, клиник хусусиятлари, даволаш ва реабилитация самарадорлигини ошириш жиҳатлари, етарли даражада ўрганилмаган. МСда юрак ишемик касаллигини (ЮИК) профилактикаси ватерапия йўллари метаболик препаратлар билан биргаликда янада мувофиқлаштириш долзарб муаммо ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг «Метаболик синдром ва дисметаболизмнинг бошқа тоифалари: муаммолар ва ечимлар» (2012-2019 йиллар) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади метаболик синдром билан хасталанган беморларда миокард шикастланишини эрта ташхислаш ва метаболик синдром негизидаги юрак ишемик касаллигида кавергалнинг клиник ва лаборатор кўрсаткичларга таъсирини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Экспериментал МСда аорта девори ва юрак тўқималарида морфологик ўзгаришларнинг хусусиятларини аниқлаш;

МСли беморларда эхокардиография (ЭХОКГ) ва тўқима миокардиал доплерографияси (ТМД) кўрсаткичлари бўйича юракнинг морфометрик ва функционал хусусиятларини баҳолаш;

МСли беморларда катестатиннинг даражаси билан инсулинга резистентлик ва липид алмашинуви кўрсаткичларини ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

МСли беморларда миокард шикастланишининг прогностик белгиларини ишлаб чиқиш;

Таҷрибадаги МСда ва МС+Зўриқиш стенокардияли беморларда кавергал ва 3-(2,2,2-триметилгидразиний) пропионат (моногидрат) самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2012 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда МСли 44 ёшдан 53 ёшгача бўлган 103 нафар бемор (шулардан 58 нафари зўриқиш стенакардияли (ЗС) беморлар), назорат гуруҳига 20 нафар

МС белгилари бўлмаган деярли соғлом одамлар, шунингдек, тажрибага МСни моделлаштириш учун 48 та эркак қуёнлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг қон ва қон зардоби, ҳайвонларнинг юрак ва аорта тўқималарининг намуналари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш мақсадида клиник, функционал, биокимёвий, иммуно-фермент, морфологик ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

метаболик синдромда миокарддаги пролифератив-дистрофик ўзгаришлар, паренхиматоз ёғли дистрофия ва бўлмачалар деворларида метаболик некроз ўчоқларини пайдо бўлиши кардиомиоцитларнинг липид пероксидацияси ва антиоксидант тизимидаги ўзгаришлар сабабли ривожланганлиги исботланган;

метаболик синдромли юрак дисфункциясининг клиник белгилари бўлмаган беморларда тўқима миокардиал доплерографияси кўрсаткичларига кўра чап қоринча диастолик дисфункциясининг ривожланиши ва стресс юктамалардан кейин юрак-қон томир тизими реакциясининг тикланишини секинлашиши аниқланган;

метаболик синдромдаги миокарднинг ўзгаришларини ва бекарорлигини эрта ташхислашда ЭКГ билан ўтказилган юктамали тестлар(велоэргометрия) натижаларини ва тўқима миокардиал доплерографияси кўрсаткичларини комплекс баҳолаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

чап қоринча диастолик дисфункциясини эрта ташхислашда катестатин миқдорини аниқлаш диагностик аҳамиятга эгаллиги исботланган, бу гипертриглицеридемиянинг оғирлиги ва НОМА-IR индекслари билан боғлиқлиги, метаболик синдром ривожланишининг дастлабки даврларида катестатин миқдорининг камайиши негизида асосий патологиянинг салбий кечиши ва юрак-қон томир касалликларининг ривожланиш хавфи аниқланган;

маҳаллий антигипоксант бўлган кавергалнинг НОМА-IR индекси, дислипидемия ва юрак тўқимасида пролифератив-дистрофик ўзгаришлар камайишига таъсири аниқланиб, унинг самарадорлиги 3-(2,2,2-триметилгидразиний) пропионатдан (моногидрат) юқорилиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

МСда миокарднинг шикастланишини эрта ташхислаш учун, ТМД билан ЭХОКГ натижалари орқали миокарднинг диастолик дисфункцияси (ДД) мавжудлиги ва ЮҚТТнинг юктамаларга реакциясини ҳисобга олган ҳолда, алгоритм ишлаб чиқилган;

МСли беморларда катестатинни аниқлаш юрак дисфункциясини эрта ташхислашни оптималлаштиришга имкон берган;

МСда базис терапияга кавергални қўшиб ЗСни терапевтик коррекциясини оптималлаштириш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, етарли миқдорда материалларга,

экспериментал, клиник, функционал, лаборатория усулларига асосланганлиги, МСда миокард шикастланишини эрта ташхислаш ва даволаш янгича ёндошуви натижалари халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулосалар ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улар МСда ЗСни ўзига хос хусусиятларини кечиши, даволаш ва прогнозни аниқлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга функционал врачлар ва кардиологларнинг фаолиятига муҳим ҳисса қўшади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти МСда ЗСни эрта ташхислаш учун функционал, гуморал маркерларидан фойдаланиш ва кавергал ёрдамида МСли беморларда ЮИКни фармакокоррекциясини оптималлаштиришдан иборат бўлиб, бу касалликнинг клиник кечишини ва беморларнинг ҳаёт сифатини, юракнинг функционал кўрсаткичларини яхшилашга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Метаболик синдромда миокард диастолик дисфункциясини эрта ташхислаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Метаболик синдромли беморларда миокард диастолик функциясининг эрта бузилишларини ташхислашда тўқима доплерографияси» бўйича услубий тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 7 майдаги № 8н-д/104-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома метаболик синдромда миокард диастолик дисфункциясини эрта ташхислашни мувофиқлаштириш имконини берган;

метаболик синдромда миокард диастолик дисфункциясини ўрганиш ва ташхислашдан олинган илмий натижалар, соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан Самарқанд вилоят кардиология диспансери, Тошкент шаҳри «CLINIC PRO» тиббий диагностика маркази амалиётига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 28 декабрдаги 8н-з/260-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши метаболик синдромда миокарднинг диастолик дисфункциясининг эрта намоён бўлишини ўз вақтида ташхислаш, беморларнинг вақтинча ишга лаёқатсизлик вақтини қисқартириш ва иқтисодий фойда олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та илмий анжуманларда, жумладан 9 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 6 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш,

5та боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, ҳамда объект ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий унинг натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Метаболик синдромнинг юрак-қон томир касалликлари ривожланиши билан боғлиқлиги. Метаболик коррекциянинг имкониятлари»** деб номланган биринчи бобида, адабиётлар таҳлили баён этилган. Унда МС ҳақида замонавий ғоялар, ЮҚТК ривожланишига унинг компонентларининг таъсири, катестатин тўғрисидаги маълумотлар ва МСда ЮИКнинг метаболик даволаш тамойиллари акс эттирилган адабиётларга батафсил шарҳ берилган.

Диссертациянинг **«Клиник-инструментал, биокимёвий, экспериментал тадқиқот усуллари ва материаллари»** деб номланган иккинчи бобида материаллар ва тадқиқот усуллари, шу жумладан клиник ва экспериментал материалларнинг умумий тавсифи, лаборатория, инструментал тадқиқот усуллари ёритилган.

Ишнинг экспериментал қисмида экспериментнинг моҳияти, тадқиқот усуллари (биокимёвий ва морфологик усуллар) тасвирланган. Тадқиқот ТМА Марказий вивариумида ўтказилди. Тажрибалар 48 та эркак қуёнларда 2 босқичда ўтказилди: ҳар бир қаторда 24 та қуён, ҳайвонларнинг оғирлиги 1600 гр. дан 2100 гр.ни ташкил этди. МС модели Каримов Х.Я. ва бошқаларнинг тавсияларига биноан амалга оширилди(2006). Вивариумнинг (жалб қилинмаган гуруҳ) одатий рациониди 6 та қуёндан ташкил топган эди. Қолганлари - 18 қуён жисмоний фаолиятсизликни юзага келтириш учун алоҳида ва тор камераларда сақланди. Ҳайвонларга ичимлик сифатида 5% шакар эритмаси берилди ва кунига тана вазнига 250 мг/кг дозада кристалли ХС асосий озуқага аралаштирилди. Кун ора ҳайвонларга 0,1 бирлик/100гр. тана вазнига дозада инсулин тери остига юборилди. Бутун эксперимент давомида ҳар ҳафта барча ҳайвонларнинг вазни ўлчаниб, қорин айланаси ўлчанди.

МСни моделлаштиришдан кейин ҳар бир босқичда ҳайвонлар 4 гуруҳга бўлинди, 1 гуруҳдаги (6 та қуён) МСли ҳайвонларда фармакокоррекция ўтказилмади, қолган ҳайвонларда МСни моделлаштириш фонида фармакокоррекция ўтказилди. Даволанишига қараб ҳайвонлар 3 гуруҳга бўлинди (ҳар бир гуруҳда 6 тадан қуён): 1-гуруҳнинг қуёнларига тана вазнига нисбатан 50 мг/кг дозада перорал, кунига бир маҳал, 30 кун давомида дистилланган сувда эритилган кавергал юборилди. 2-гуруҳ ҳайвонларига 3-(2,2,2-триметилгидразиний) пропионат (моногидрат) ни тана вазнига

нисбатан 50 мг/кг дозада берилди. 3-гурух назорат гурухи бўлиб, тажрибага жалб қилинмаган ҳайвонлардан ташкил топди. Тажриба якунида барча қуёнлар эвтаназия қилинди.

Тадқиқотнинг клиник қисмида МСли 44 – 53 ёшдаги (уларнинг ўртача ёши $48,3 \pm 3,4$ га тенг) 103 нафар (16 аёл ва 87 эркак) беморлар текширувдан ўтказилди. Ушбу тадқиқот 2011 - 2019 йиллар оралиғида ўтказилди.

Асосий гуруҳ (n=58) ЗС ФС I, ФС II ва МС бўлган беморлардан ташкил топди. Таққослаш гуруҳига (n=45), ЮИК бўлмаган МСли беморлар жалб қилинди. Текшириш гуруҳи деярли соғлом одамлардан иборат эди (n=20). Батафсил таҳлил қуйидаги МС компонентларининг комбинациясини кўрсатди: 1. АС+АГ+ДЛП (65,0%); 2. АС+АГ+ДЛП+ГТБ (25,0%). Тадқиқотга ўткир миокард инфаркти, номуқум стенокардия, юрак клапанларининг гемодинамик аҳамиятли зарарланиши, жиддий юрак ритми бузилишлари, ўткир мия қон айланишини бузилиши, қандли диабет билан оғриган беморлар, сурункали обструктив ўпка касалликлари мавжуд бўлган беморлар киритилмади.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида даволашга қараб, асосий гуруҳ (ЗС+МС) беморлари 2 гуруҳга бўлинди: 1-гурух (n=23) – ЗС учун фақат асосий терапияни олган беморлар (талаб бўлган ҳолларда нитратлар ва ацетилсалицил кислотаси, бета-блокаторлар (карведилол), ангиотензин ўзгартирувчи фермент ингибиторлари (АЎФИ), 2-гурух (n=35) - асосий терапиядан ташқари 12 ҳафта давомида кунига 0,9 гр. дозада кавергални қабул қилган беморларни ташкил қилди.

Базис терапияни қуйидаги дори воситалари ташкил этди: беморларнинг 92% аспирин, 100% нитрат, 94,2% бета-блокаторлар ва 11,5% ангиотензин ўзгартирувчи фермент ингибиторларини қабул қилишди.

Беморларнинг клиник ҳолатини баҳолаш учун анамнестик маълумотлар тўпланди, антропометрик кўрсаткичлар ўрганилди. Ҳаёт сифатини баҳолашга юқори эътибор қаратилди (Seattle Angina Questionnaire сўровномасига кўра). Барча беморларда ТМД билан ЭХОКГ, велоэргометрда (ВЭМ) ЭКГ стресс тести, биокимёвий текширувлар: умумий холестерин (УХС), триглицеридлар (ТГ), холестерин (ХС) жуда паст зичликдаги липопротеидлар (ЖПЗЛП), ХС паст зичликдаги липопротеидлар (ПЗЛП), ХС юқори зичликдаги липопротеидлар (ЮЗЛП), қонда глюкоза аниқланди ва 75 гр. глюкоза билан перорал глюкозага толерантлик тести ўтказилди. Қондаги катестатин даражаси ўрганилди, атерогенлик коэффициенти (АК), ТГ/ХС ЮЗЛПнинг нисбати, НОМА IR- инсулинга резистентлик индекси ҳисоблаб чиқилди ва ЗСнинг оптимал базис терапияси танланди.

Статистик ишлов бериш Microsoft Excel 2012 for Windows дастурининг статистик таъминот тўпламларидан фойдаланилган ҳолда вариацион статистика усули билан амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Экспериментал тадқиқотлар**» деб номланган учинчи бобида МСли қуёнларнинг юрак тўқимасидаги липидлар пероксидланиши маҳсулотларига ва антиоксидант тизим (АОТ) ферментларига, липид ва углевод алмашинувига таъсири ўрганилди.

Морфологик текширувлар хайвонларнинг аортаси ва юрагида яққол ва кенг тарқалган дистрофик, деструктив ва дисрегенератив ўзгаришларнинг ривожланишига олиб келди. Ҳайвонларнинг аортасида кўпроқ ўзгаришлар интимада қайд этилди. Аорта интима юзасидаги патоморфологик ўзгаришлар фибрин шаклланиши, тромбоцитлар, лейкоцитлар ва лимфоцитлар чўкиши ҳисобига иккинчи даражали ўзгаришларнинг ривожланишига олиб келди.

Юракда, эндокард ва интерстициал бириктирувчи тўқима томонидан строма-қон томир оқсил тартибсизлигини ривожланиши, эпикард ва миокард томонидан ёғ тўқималарининг миокардда кўпайиши ва кардиомиоцитларда паренхиматоз ёғ дистрофиясининг ривожланиши қайд этилди. МС учун хос бўлган бу патоморфологик ўзгаришлар лимфогистиоцитар хужайралари томонидан яллиғланиш инфильтрациясининг ривожланиши билан атрофия, метаболик миолиз ва кардиомиоцитларнинг некроз ўчоғи билан бирга юзага келди, ушбу ўзгаришлар кўпроқ бўлмачалар деворларида аниқланди.

МСли ҳайвонларда юрак мушагидаги липидлар пероксидланиши маҳсулотларидан малонли диальдегид (МДА) миқдори 8.19 ± 0.8 нмоль/гр.ни ташкил этди ва соғлом ҳайвонларга нисбатан юқори даражада эканлигини кўрсатди ($p < 0.01$). Юрак мушагида АОТ фаоллигининг сезиларли пасайиши кузатилди. Соғлом ҳайвонларга нисбатан супероксид дисмутазининг (СОД) даражаси 84,5% га ва каталазанинг даражаси 36.1% га пасайиши кузатилди ($p < 0.001$).

МС ҳайвонларда углевод ва инсулин метаболизмининг жиддий бузилишларига олиб келди. Қон зардобидаги глюкоза миқдори 42,4% га ($p < 0.01$) ва инсулин 47.8% га ($p < 0.001$) соғлом қуёнларга нисбатан ошди.

МСли ҳайвонларда соғлом ҳайвонларга нисбатан УХС 182,9% га ($p < 0.001$), ХС ЮЗЛП 311,7% га ($p < 0.001$) ва ХС ЗЖПЛП 76.2% га ($p < 0.01$) миқдорлари кўпайди. Бундан ташқари, бошқа кўрсаткичларнинг ўсишига нисбатан, ХС ЮЗЛПнинг 44,4% га ўсиши сезиларсиз эди. Қондаги ТГ миқдори 78,9% га ($p < 0.01$), АК эса соғлом ҳайвонлар кўрсаткичларидан 3,9 баравар ошди.

Диссертациянинг **«Метаболик синдромда юрак-қон томир касалликларининг ривожланишининг клиник-инструментал ва биокимёвий мезонлари»** деб номланган тўртинчи бобида МСли беморларда ҳаёт сифатини, биокимёвий ва инструментал текшириш усуллари ни ўрганиш натижалари келтирилган.

Беморларда жисмоний юкламага толерантликни баҳолашда (ВЭМ), юкламанинг ўртача кўрсаткичи ҳисобга олинди, бунда беморлар юрак уришининг субмаксимал тезлигига эришди (ёшига боғлиқ юрак максимал уришининг 80% га) ёки синама бошқа мезонлар туфайли тўхтатилди: АГ > 220/120 см.уст., юрак ритми жиддий бузилишлари, ST сегментининг ишемик депрессияси ва клиник белгилар: бош айланиши, бош оғриғи, патологик нафас қисилиши. Дастлаб МСли беморларда ўртача систолик артериал босим (САБ) назорат гуруҳидан (соғломлар) 29,4 см.уст. ошганлигини кўрсатди ($p < 0.001$). Иккала гуруҳдаги диастолик артериал босим (ДАБ) беморларнинг ярмидан кўпида 90 мм.см.уст.дан ошган эди. 58

нафар беморда юклама натижаси мусбат деб баҳоланди. Қайта тикланиш даврида 58 беморнинг 19 таси юрак уриш сони ва қон босимининг қайта тикланиши секинлашиши аниқланди. МСли юклама натижаси манфий бўлган беморларда (n=45) бажарилган юклама ўртача қуввати 85 ваттни ташкил этди. Ушбу гуруҳдаги 21 нафар беморда (44%) юкламага ЮҚТТнинг жавоб тури гипертензив деб топилди.

Юракнинг морфометрик ва функционал параметрларини таҳлил қилиш беморларда ВЭМ тестини мусбат натижаларига кўра ЗСнинг тасдиқланган ташхисига қараб амалга оширилди (1-жадвал).

1-жадвал


МСли беморларда юракнинг морфометрик ва функционал кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (ЗС+МС) (n=38)	Таққослаш гуруҳи (МС) (n=25)
ОФ, %	58,7±0,43	59,6±1,2
ҚФ, %	35,7±0,9	39,4±1,03
ЧҚ ҚДЎ	5,61±0,52	5,32±0,9
ЧҚ ҚСЎ	3,84±0,37	3,87±0,21
ЧҚОД, см	1,11±0,016	1,01±0,06*
ҚАТ, см	1,1±0,01	1,0±0,12*
ЧҚММ, г/м ²	138,2±1,9	132,4±4,7*

Изоҳ: * - гуруҳлар орасидаги кўрсаткичлар натижаларининг ишончлиги (p>0,05)

ЗС ва МСли беморлар гуруҳида чап қоринча орқа девори (ЧҚОД), қоринчалар аро тўсиқ (ҚАТ) ва ЧҚ миокард массасининг (ЧҚММ) юқори кўрсаткичи (p>0,05) аниқланди.

36% ҳолларда МСли беморлар ЧҚ концентрик ремоделланиши (ЧҚКР) юқори бўлишини кўрсатди (1-расм).



Изоҳ: * - гуруҳлар орасидаги кўрсаткичлар натижаларининг ишончлиги (p>0,05)

1-расм.МС ва ЗС+МС бўлган беморларда ЧҚ ЭХО геометриясининг турлари

Нормал ЧҚ ОФ бўлган диастолик дисфункция (ДД) учун диагностика алгоритмига асосан МСли (таққослаш гуруҳи) беморларнинг 14 тасида (56%) ЧҚ ДДси мавжудлигини кузатилди. ЧҚ ДДси аниқлашда энг сезгир бўлган кўрсаткичлар: E/e'>14 ўртача нисбати, ТМД пайтида митрал қопқоқнинг

фиброз ҳалқаларининг диастолик ҳаракати тезлиги.

ЗС+МСли касаллар гуруҳида барча ҳолатларида ЧҚ ДД нинг биринчи ва иккинчи даражалари аниқланди. 20 та беморда ЧҚ ДД нинг биринчи даражаси $E/A \leq 0.8$ ва $E \leq 50$ см/с нисбати билан ифодаланди, бу чап бўлмачадаги (ЧБ) нормал босимни кўрсатди. Иккита беморда ЧҚ ДД нинг биринчи даражаси $E/A \leq 0.8$ ва $E > 50$ см/с кўрсаткичлари билан ифодаланди, аммо ижобий мезонлардан фақат $TP > 2.8$ м/с кузатилди. Қолган 36 та беморда $0,8 < E/A < 2$ нисбати кузатилди, шундан 19 тасида ДД учун ижобий мезонларнинг етишмаслиги натижасида биринчи даражали ЧҚ ДД аниқланди; $TP > 2,8$ м/с, $E/e' > 14$ ва ЧБ хажми индекси кўрсаткичи > 34 мл/м² бўлган қолган 17 та беморда ЧҚ ДД иккинчи даражаси аниқланди.

Липид алмашувининг кўрсаткичларини таҳлил қилишда (2-жадвал) ЗСли беморларда дислипидемия тенденцияси кўпроқ аниқланди, ФС ўртасидаги фарқлар ишончсиз бўлди. ЗСли беморларда МСнинг мавжудлиги дислипидемиянинг оғирлигини кучайтирди, бу гипертриглицеридемия ва АК ошиши билан боғлиқ бўлди.

2-жадвал

Текширилган беморларда қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари


Текширув гуруҳлари	Контроль (n=20)	МС (n=45)	ЗС +МС	
			ФС I (n=27)	ФС II (n=31)
Липид алмашувини				
Умумий холестерин, ммоль/л	4,17±0,07	5,4±0,07*	5,5±0,09*	5,6±0,06*
Триглицеридлар, ммоль/л	1,14±0,04	1,8±0,04**	1,84±0,05**	2,05±0,05**#
ХС ПЗЛП, ммоль/л	2,24±0,07	3,70±0,07**	3,63±0,09**	3,70±0,06**
ХС ЮЗЛП, ммоль/л	1,40±0,04	0,99±0,02*	1,03±0,04*	0,93±0,02*
ХС ЖПЗЛП, ммоль/л	0,51±0,02	0,82±0,02*	0,84±0,02*	0,93±0,02*
АК, ш.б.	2,0±0,08	4,6±0,15**	4,5±0,20**	5,06±0,15**#
Оч қоринга қонда глюкоза, ммоль/л	4,39±0,12	5,30±0,15	5,72±0,16*#	5,77±0,19*#
75 гр Glu истеъмолидан кейинги қондаги глюкоза миқдори, ммоль/л	5,75±0,15	8,2±0,22*	8,24±0,28*	8,50±0,19*

Изоҳ: назорат ва гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг аҳамияти: * - $p < 0.05$; ** - $p < 0.001$; ЗС + МС ва МС гуруҳлари ўртасидаги фарқларнинг аҳамияти: # - $p < 0.01$

ЗС ва МСли беморларнинг 68,3% НОМА $IR > 2,77$ кўрсаткичи бўйича ИР деб топилди (2-расм).

Ушбу гуруҳдаги беморларнинг 45%да ТГ/ХС ЮЗЛПнинг нисбати > 1.32 сезгир кўрсаткич бўлиб, ЗС ва МСли беморларда ИРни аниқлаш учун ушбу нисбатни қўллаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. НОМА IR индексининг

кўрсаткичларига кўра, МС беморларининг ярмидан кўпи ИР деб топилди. ИРни аниқлаш учун ТГ/ХС ЮЗЛПнинг нисбати >1.32 ЗС ва МСли беморларда триглицеридемиянинг юқори даражаси билан боғлиқ бўлди.



Изоҳ: *-p<0.05 назорат ва гуруҳлар ўртасидаги кўрсаткичлар натижаларининг ишончлилиги; #-p<0.01 ЗС + МС ва МС гуруҳлари ўртасидаги кўрсаткичлар натижаларининг ишончлилиги;

2-расм. Гуруҳлардаги ИР кўрсаткичлари.

Диссертациянинг мақсадларидан бири қонда катестатин миқдори билан ИР кўрсаткичлари ва липид алмашувинини ўзаро боғлиқлиги аниқлаш бўлди. МСли 20 нафар беморларда катестатин миқдори ўрганилди. МСни давомийлигига қараб беморлар 2 гуруҳга бўлинди: 5 йилгача ва 5 йилдан ортиқ.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, катестатин миқдори, 5 йилдан ортиқ кечган МСли беморларда, 2,3 марта (p<0,001) назорат гуруҳига нисбатан ошди. МС 5 йилгача бўлган беморларда катестатинни миқдорини пасайиши кузатилди (3-жадвал).

3-жадвал

Соғлом ва МСли беморларда қондаги катестатин миқдори

Гуруҳлар	Катестатин (нг/мл)
назорат (n=15)	7,26±1,75
МС 5 йилдан ортиқ (n=13)	16,54±5,82*
МС 5 йилгача (n=7)	8,31±6,36

Изоҳ: * - p<0,001 назорат ва гуруҳлар ўртасидаги кўрсаткичлар натижаларининг ишончлилиги;

МС 5 йилгача бўлган беморларда клиник-метаболик кўрсаткичлар билан корреляцион боғлиқлик аниқланди (4-жадвал). Ушбу гуруҳда ўртача боғланиш катестатин ва ИР кўрсаткичларидан: ТГ/ХС ЛПВП>1,32 (r=-0,5745; p=0,0005) ва НОМА (r=-0,5122; p=0,0005); кучли қайта боғланиш ТГ (r=-0,7634; p=0,0001) ва САБ(r=-0,6742; p=0,0001); тўғри боғланиш ХС

ЮЗЛП ($r=0,6581$; $p=0,0001$) ўртасида аниқланди.

ЧҚ морфометрик ўзгаришларининг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилинганда ЧҚММИ ва катестатин даражаси ўртасида ҳеч қандай ишончли боғлиқлик аниқланмади. Миокард деворларининг нисбий қалинлиги ва катестатиннинг ўртасида кучсиз, аммо статистик жиҳатдан аҳамиятли боғлиқлик қайд этилди, бу эҳтимол МСли беморларда ЧҚКР кўп учрашиши билан боғлиқ бўлди.

4-жадвал

МСли беморларда катестатинни клиник-метаболик кўрсаткичлар билан корреляцион боғлиқлиги

Кўрсаткичлар	r	p
ҚА	-0,3213*	0,002
ТВИ	-0,3095*	0,002
САБ	-0,6742**	0,0001
ДАБ	-0,4953**	0,0005
УХС	-0,5419**	0,0006
ТГ	-0,7634**	0,0001
ХС ЮЗЛП	0,6581**	0,0001
ХС ПЗЛП	-0,3008*	0,0147
Оч қоринга гликемия	-0,4571**	0,0005
ПГТТ	-0,6453**	0,0001
ТГ/ХС ЮЗЛП > 1,32	-0,5745**	0,0005
инсулин	-0,4763**	0,0005
НОМАIR	-0,5122**	0,0005

Изоҳ: кўрсаткичлар ўртасидаги натижаларининг ишончилиги: *- $p<0,05$; **- $p<0,001$

ЧҚ диастолик функциясининг кўрсаткичлари ва катестатин даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик таҳлили, ЧБ ҳажми индекси ва ўртача E/e' нисбати билан тесқари боғлиқликни кўрсатди (5-жадвал).

5-жадвал

Катестатинни ЧҚ диастолик функцияси кўрсаткичлари билан корреляцион боғлиқлиги

Кўрсаткичлар	r	p
E/e' ўртача	0,652**	0,0001
DT мс	0,304*	0,0005
ЧБ ҳажми индекси, $мл/м^2$	0,541**	0,0001
Трикуспидал регургитация	0,312*	0,0005
E см/с	0,232*	0,0105

Изоҳ: кўрсаткичлар ўртасидаги натижаларининг ишончилиги: *- $p<0,001$; **- $p<0,0001$

Шундай қилиб, касаллик бошланишидан олдин ЮҚТТаъзоларининг шикастланишига йўналтирилган буфер сифатида кўриб чиқилган катестатин, МСнинг кўп метаболик ўзгаришлари билан ўзаро боғлиқ бўлди, унинг концентрациясининг пасайиши хужайраларда инсулинга сезгирликнинг пасайишига олиб келди. ХС ЗЮЛП даражасининг пасайиши, катестатин даражаси пасайиши билан бевосита боғлиқ бўлди, бу ҳолат, МСдаги ИР

синдроми таркибидаги метаболик касалликларни жиддийлигини тўлиқ акс этди.

Диссертациянинг «МСни метаболик коррекцияси йўллари» деб номланган бешинчи бобида тажрибада хайвонларида ва ЗС + МСли беморларда МСни компонентларини фармакокоррекция самарадорлиги ёритилган.

3-(2,2,2-триметилгидразиний) пропионат (моногидрат) ва кавергал билан МСни фармакокоррекцияси гипергликемия ва гиперинсулинемияни сезиларли даражада пасайишига олиб келди, аммо соғлом хайвонларга нисбатан кўрсаткичлар юқори бўлиб қолди. Шу билан бирга, терапиянинг қиёсий самарадорлиги таҳлили кавергалда юқорироқ ифодаланган гипогликемик таъсирни аниқлади. Даволанган гуруҳлар орасидаги инсулин даражасидаги фарқлар ишончли бўлмади.

Кавергал билан фармакокоррекциядан сўнг липид алмашинувдаги ўзгаришлар янада яққолроқ бўлди. УХС ва ХС ПЗЛПнинг миқдори соғлом хайвонларга нисбатан 178,1% ва 245,5% га ошди, бу МСли хайвонларга нисбатан (назорат гуруҳи) 44,8% ($p < 0.001$) ва 47.2% га ($p < 0.001$) паст бўлди. ТГ ва ХС ЖПЗЛПнинг миқдори соғлом хайвонлар даражасида эди. ХС ЗЮЛП даражаси назорат гуруҳи билан таққослаганда 9,4% га ($p > 0,05$) ошди. АК назорат гуруҳи хайвонларига қараганда 1,7 баравар паст эди.

6-жадвал

Миокарддаги МДА, СОДва каталаза миқдори ва фармакокоррекциянинг таъсири

Гуруҳ	МДА, нмоль/г	СОД, ммоль/мин·мг оксилга	Каталаза, ммоль/мин·мг оксилга
Соғлом хайвонлар (n=12)	8,19±0,8	0,84±0,04	28,8±1,92
МС(n=36) P ₁	14,19±1,2 <0,002	0,13±0,03 <0,001	17,8±0,51 <0,001
Назорат (МС+H ₂ O)(n=12) P ₁	15,87±1,04 <0,001	0,14±0,03 <0,001	17,6±0,41 <0,001
МС+3метилгидразиний пропионат (50 мг/кг)(n=12) P ₁ P ₂	9,38±1,14 >0,05 <0,002	0,77±0,06 >0,05 <0,001	24,6±1,56 >0,05 <0,001
МС+кавергал(50 мг/кг)(n=12) P ₁ P ₂	9,68±1,1 >0,05 <0,01	0,81±0,06 >0,05 <0,001	25,5±1,58 >0,05 <0,001

Изох: p₁ – соғлом хайвонларга нисбатан кўрсаткичлар натижаларининг ишончилиги; p₂ – назорат гуруҳига нисбатан кўрсаткичлар натижаларининг ишончилиги

Фармакокоррекция фонида миокарддаги МДА даражаси, соғлом хайвонлардан биров ошган эди, аммо бу ҳам ушбу гуруҳлардаги МДА даражаси соғлом хайвонлар билан солиштириш учун етарли эди (6-жадвал).

Кавергал билан даволаш фонида ферментларнинг фаоллиги бироз юқорирак бўлди: СОД учун $0,81 \pm 0,06$ ва $0,77 \pm 0,06$ (3-(2,2,2-триметилгидразиний) пропионат билан солиштирганда), каталаза учун $25,8 \pm 1,58$ ва $24,6 \pm 1,56$.

Морфологик текширувлар МСнинг фармакокоррекциясидан кейин юрак ва аорта деворларидаги ривожланган макрофагал инфилтратсияни ва ёғ дегенерациясини бартараф қилишда 3-(2,2,2-триметилгидразиний) пропионат ва кавергал ижобий таъсир кўрсатди. Аорта деворидаги иккиламчи ўзгаришлар йўқолди. Ушбу сифат иккала синов дори-дармонларига ҳам хос эди, аммо, морфологик тадқиқотлар натижаларига кўра, ангио- ва кардиопротектив таъсирни кўпроқ кавергал кўрсатди.

ЮИК ва МСнинг базис терапияси таркибида қўшимча кавергални қўллаш беморларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифати, липид, углевод алмашинуви, ИР кўрсаткичлари, юракнинг морфометрик ва функционал кўрсаткичлари ва жисмоний фаоллик - ЭКГ юкламали тест-ВЭМ натижаларига таъсири таҳлил қилинди.

Даволанишдан сўнг, барча ўрганилган гуруҳларда AS (хуружлар барқарорлиги) ва AF (хуружлар сони) шкалалари бўйича сўров натижалари сезиларли даражада яхшиланди: асосий терапия фонида 13,3% ва 8,3% га ($p < 0,05$), I ФС ва II ФС ЗС бўлган беморлар гуруҳида; 23,6% ва 27,3% га ($p < 0,001$), асосий терапия ва кавергал қабул қилган беморларда. Батафсил таҳлилда ушбу яхшиланишлар спорт пайтида беморларни жисмоний фаолликка яхши бардошлилиги билан изоҳланди. TS (даволанишдан қониқиш) ва DP (касалликка муносабат) шкаласи бўйича кавергални қабул қилган беморларнинг жавобларини таҳлил қилишда ($p < 0,0001$) энг яхши натижаларга эришилди. Кавергални қўшимча қабул қилиш стенокардия хуружлари сонининг сезиларли ва ишончли даражада пасайишига ва қисқа таъсир этувчи нитропрепаратлар қабул қилишни камайишига олиб келди, стенокардия хуружлари сони 2 мартадан кўпроқ камайди ($p < 0,001$).

Базис терапияни олган беморларда УХС ўртача миқдори ўзгармади, ТГ даражаси 2,7% га, ХС ЖПЗЛП 2,9% га пасайди, АК, ХС ПЗЛП деярли ўзгармади, ХС ЮЗЛП даражаси ўсишга мойил бўлди.

Базис терапия ва кавергал олган беморларда липидлар даражаси динамикаси таҳлили шуни кўрсатдики, ҳамма кўрсаткичларда ишончли ўзгаришлар кузатилди, УХС даражасидаги ўзгаришлар бундан мустасно. ТГ нинг ўртача даражаси 13% га ($p < 0,05$), ХС ПЗЛП 9,6% га ($p < 0,05$), ХС ЖПЗЛП 13,1% га ($p < 0,05$) пасайди. ХС ЮЗЛП даражаси 14,1% га ошди ($p < 0,05$) ва АК сезиларли даражада $4,32 \pm 0,24$ дан $3,36 \pm 0,19$ гача ($p < 0,05$) пасайди. ЗС ва МСли беморларда базис терапияга қўшимча кавергал қабул қилиш атероген липопротеинларни пасайиши ва антиатероген липопротеидларнинг кўпайишига олиб келди (7-жадвал).

Кавергалнинг базис терапияга қўшилиши углевод алмашинувининг сезиларли яхшиланишига олиб келди. Шундай қилиб, оч қоринга қондаги глюкоза миқдори ва 75гр. глюкоза истеъмолидан 2 соатдан сўнг глюкоза миқдори мос равишда 7,1% ($p > 0,05$) ва 18,6% ($p < 0,01$) камайди. Таққосланган

гуруҳларда глюкозага толерантлик тестларининг фарқи сезиларли бўлди ($p < 0.01$) (7-жадвал).

7-жадвал

ЗС ва МСли беморларда терапияни липид метаболизмига таъсирини қиёсий баҳолаш

Липид спектри	ЗС+МС базис терапия(n=23)		ЗС+МС базис терапия+кавергал (n=35)	
	дастлаб	даводан сўнг	даслаб	даводан сўнг
УХС, моль/л	5,2±0,11	5,18±0,15	5,44±0,10	5,12±0,11
ТГ, моль/л	1,88±0,03	1,82±0,03	1,85±0,06	1,61±0,03**
ХС ПЗЛП, ммоль/л	3,39±0,12	3,32±0,15	3,56±0,11	3,22±0,10**
ХС ЮЗЛП, ммоль/л	0,96±0,03	1,03±0,02*	1,04±0,05	1,21±0,06**
ХС ЖПЗЛП, ммоль/л	0,85±0,01	0,83±0,02	0,84±0,02	0,73±0,01**
АК, н.б.	4,47±0,21	4,05±0,19	4,32±0,24	3,36±0,19**
Оч қоринга глюкоза, ммоль/л	5,4±0,23	5,27±0,19	5,37±0,19	4,99±0,10**
75 гр Glu истеъмолидан сўнг қондаги глюкоза миқдори, ммоль/л	7,6±0,26	8,04±0,31	8,22±0,35	6,69±0,33**

Изоҳ: дастлабки кўрсаткичларга нисбатан натижаларнинг ишончлилиги: * - $p > 0,05$; ** - $p < 0,05$;
